30 (684)

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри | 2009 йил 29 июль. Чоршанба | 1996 йилдан чиқа бошлаган | www.mahalla.uz | mahalla@sarkor.uz

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

## Қўшалоқ байрам шукуҳи



Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.

**Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналари арафасида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли юртимиз жамоли кундан кунга чирой очиб бормоқда.**

Айниқса, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб, кўркамлашиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида «Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва туман бўлинмалари мутасаддилари томонидан тезкорлик билан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режада «Камолот» ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида 1 августдан 30 сентябрга қадар шаҳардаги 474 та маҳалла фуқаролар йиғинларида байрам тадбирлари ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, тантаналар давомида кам таъминланган оилалар, ногирон ёки боқувчисини йўқотган ҳамда хаста кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида жамғарма ҳисобидан 53 миллион 400 минг сўм ва ҳомийлар ҳисобидан 198 миллион сўм маблағ ажратилади.

Айни пайтда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинларида маданий-маърифий учрашувлар, адабий-бадиий кечалар ўтказилаётир, янги кўркам иншоотлар қурилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Масалан, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Шалола» маҳалласида Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш ишларига пухта тайёргарлик кўрилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мажид Қодиров саъй-ҳаракати билан ёшларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида спорт майдони бунёд этилди. Маҳалла ҳудудига кириб борар эканмиз, ундаги обод ва тоза кўчалар, барқ уриб очилган ранг-баранг гулзорлар эътиборимизни тортди. Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Марғуба Муҳамедова бизни кутиб олиб, ичкарига бошлади. Маҳалла оқсоқоли 80 ёшни қаршилаган Ўктамхон ая билан яраштириш комиссияси ишини янада жонлантириш ҳақида маслаҳатлашиб ўтирган экан. Йиғин идораси яқинда таъмирдан чиқарилиб, янги мебеллар билан жиҳозланибди.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ > [2]

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

### ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Тижорат банкларининг инвестиция фаолияти кенгайтирилишини янада рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини молиялаш ҳажмларини ошириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш мақсадида:**

**1.** Маълумот учун қабул қилинсинки, Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ:

тижорат банкларининг тузилмалари қайта ташкил этилди, энг йирик банкларда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бўйича департаментлар (бошқармалар) тузилди, инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш, молиялаш ва амалга оширилишини мониторинг қилиш билан шуғулланувчи банкларнинг таркибий бўлинмалари сезиларли равишда ўзгартирилди ҳамда уларнинг функциялари кенгайтирилди;

барча тижорат банкларида инвестиция фаолияти масалаларига мутасаддилик қиладиган банклар бошқаруви раисларининг ўринбосарлари лавозими жорий этилди, уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сонли фармойишига мувофиқ ўтказилган аттестация натижалари бўйича қонунчилик базасини чуқур биладиган, инвестиция лойиҳаларини инвестициявий молиялаш, танлаб олиш ва экспертиза қилиш соҳасида зарур кўникмаларга эга бўлган раҳбарлар тайинланди;

банклар балансига қабул қилинган банкрот-корхоналарни молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаш бўйича тижорат банкларининг фаолияти ривожланди. Банкларнинг умумий кредит портфели таркибида бир йилдан кўпроқ муддатга берилган кредитлар ҳажми 70 фоиздан ортиқроқни ташкил этмоқда.

**2.** Қуйидагилар инвестиция фаолиятини кенгайтириш соҳасида тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича банкнинг кредит ҳамда инвестиция сиёсатини ва инвестиция лойиҳаларини узоқ муддатли кредитлаш механизмларини янада такомиллаштириш, бунинг асосида банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш;

лойиҳа ҳужжатлари, уларнинг молиявий жиҳатдан ўзини қоплаши ва рентабеллигини чуқур таҳлил қилиш асосида инвестиция лойиҳаларини пухта танлаб олиш, комплекс баҳолаш ҳамда сифатли экспертиза қилишни таъминлаш;

[2 >]









**Айни кунларда Сурхондарёда энг азиз ва энг улуғ байрамимиз — Истиқлолимизнинг 18 йиллиги тантаналарини нишонлашга катта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.**

## КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТИБ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 18 ЙИЛЛИГИ

Албатта, Ватан ободлиги, юрт жамоли, аҳоли турмуш фаровонлиги маҳаллалар ҳаётида акс этади. Тарихан қисқа давр — ўн саккиз йил мобайнида вилоятда амалга оширилган ишлар кўлами, ободончилик, қурилиш, кўкаламзорлаштириш, ижтимоий-маданий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар фуқароларда келажакка умид ва ишонч ҳиссини уйғотмоқда.

Барча хиёбонлар, кўча бўйлари яшилликка бурканиб, анвойи гуллардан яшнаб турибди. Бир пайтлар тартибсиз, шошма-шошарлик билан қурилган пастак, кўримсиз бинолар ўрнида замонавий иморатлар барпо этилмоқда. Термиз шаҳридаги кўпқаватли уйларнинг атрофи, кўркам қиёфа касб этиб, уларнинг олд фасадлари Сурхон заминига хос қизғиш рангга бўялмоқда.

Бундай ободонлаштириш ишларини «Алпомиш» маҳалласи мисолида ҳам кўриш мумкин. 19 та кўпқаватли уйлардан иборат маҳалла ҳудуди бугунги кунга келиб таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Яқин-яқинларгача сув танқислигидан, қаровсизликдан бир ҳолга келиб қолган уйлар атрофи яшилликка бурканди. Ҳозир маҳалладаги 854 хонадонда тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Йиғинга 10 йилдан буён Эшқобил Поёнов бош-қош. У ўз ишининг устаси. Авваллари маҳалла аҳлига биттагина озиқ-овқат дўкони хизмат кўрсатарди. Кўнгилочар муассасалар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқа маданий-маиший иншоотларни аҳоли орзу қиларди, холос. Бугунги кунда «Алпомиш» маҳалласи ҳудудида 4 та банк муассасаси, 2 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, бағрида мовий кўли мавжуд. Истироҳат боғи, жаҳон андозалари даражасидаги «Меридиан» меҳмонхонаси, ёғоч ўймакорлигининг гўзал намуналарини ўзида акс эттирган "Қариялар чойхонаси", 2 та ресторан аҳоли хизматида. Шунингдек, барча қулайликларга эга "Осиё" меҳмонхонаси маҳалла ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Новвойхона, ошхона ҳамда чойхона, савдо нуқталари одамлар узоғини яқин қилмоқда. Буларнинг бари мустақиллик шарофатидир.

Термиз шаҳридаги "Наврўз" маҳалласи ҳам тобора обод масканга айланиб бормоқда. Ҳозир бу ердаги 15 та кўпқаватли уй ва унга туташ ҳовлиларда 5 минг 153 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Кўпқаватли уйлардаги совуқ сув муаммоси ижобий ҳал этилди. 210 хонадонга эса табиий газ келтирилди. "Ёшлик" кўчаси текисланиб, асфальт ётқизилди.

Бир сўз билан айтганда, Термиз шаҳридаги бу маҳаллалар аҳли байрамни кўтаринки кайфият билан қаршилаяпти.

**Ёдгор АШУРОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Жараён

## Синовга тайёрмисиз, абитуриент?

**Норхон опа тун ярмида бехосдан уйғониб кетди. Вақт алламаҳал бўлганига қарамай, қизи Ферузанинг хонасида чироқ ёниб турганини кўриб: «Жуда қаттиқ тайёрланяпти, ишқилиб, кириб олсин-да», деган ўй кўнглидан ўтди онанинг.**



Феруза Пардаева шу йил Шеробод тиббиёт коллежини тугатиб, Тошкент Тиббиёт Академиясининг олий маълумотли ҳамширалар тайёрлайдиган факультетига ҳужжат топширди. Аслида шифокор бўлиш нияти унда анча олдин — онаси касалликка чалинган пайтда туғилган эди. Қишлоғида тиббиёт ходимларининг етишмаслиги ҳам бунга бир туртки бўлди.

— 24-25 июль кунлари бўлган ижодий имтиҳондан муваффақиятли ўтдим, — дейди Феруза кўзлари порлаб. — Олдинда ҳали олдинда тест синовлари турибди. Тайёргарлигим ёмон эмас, орзуларим ушалишига кўзим етади.

МАЪНАВИЯТ > [4]

## САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ КУЧАЙТИРИЛГАН

Оммавий ахборот воситалари хабарига қараганда, айрим қўшни давлатларда AH1N1 гриппи, геморрагик иситма, қорин тифи сингари юқумли касалликлар қайд этилган. Бу эса мамлакатимизда мазкур касалликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Андижон вилоятида юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш мақсадида божхона постлари ва шаҳар аэропортида санитария назорати кучайтирилди, жойларда санитария-эпидемиология ходимлари иштирокида профилактика ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

— Нафақат AH1N1 гриппи, балки бошқа ўткир юқумли касалликларни аниқлаш учун барча воситаларга эгамиз, — дейди Андижон вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Баҳромжон Қораев ЎзА мухбирига. — Биз турли хил касалликларнинг юртимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини олиб бормоқдамиз. Вилоятнинг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудларида ҳамда Андижон аэропортида 9 та санитария назорат пункти ташкил этилди. Улар зарур жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар, зарарсизлантирувчи моддалар билан таъминланди.

Жорий йилнинг ўтган ойларида вилоят ҳудудига санитария назорат пунктлари орқали 500 мингдан зиёд фуқаро ўтгани қайд этилди. Шундан 200 мингга яқинини хорижликлар ташкил этади. Текширувларда улар орасида юқумли касалликларга чалинганлар аниқланмаган.

Жойлардаги эпидемиологик-эпизоотик вазиятни вилоят давлат санитария -эпидемиология назорати маркази, вилоят ветеринария бошқармаси мутахассислари кузатиб бормоқда. Май-июнь ойларида вилоятдаги кушхона ва сўйиш майдончаларида 6177 бош қорамол, 2637 бош қўй, 1139 бош парранда ветеринария кўригидан ўтказилди. Шунингдек, бозорлардаги санитария ҳолати ҳам доимий назоратга олинган.

Айни пайтда соғлиғимиз ўз қўлимизда эканини, ҳар биримиз доимо ҳушёр, огоҳ бўлишимиз, гигиена қоидаларига риоя қилишимиз зарурлигини унутмаслигимиз даркор.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Республикамиз маҳаллаларида

### БУНЁДКОР КОРХОНА

**Андижондаги "Уз Ко Джи" Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси жамоаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида юртимиз ободлиги, аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.**

— Давлат дастурига мувофиқ тузилган режа асосида ишни, аввало, кўчаларни таъмирлашдан бошладик. Корхонамиз жойлашган "Фозилмон" маҳалласи йўлларини, Навоий, Мадраҳимов номидаги маҳаллалардаги кўчаларни ҳамда қабристонларни обод қилишга ўз ҳиссамизни қўшдик, — дейди қўшма корхона раҳбари Шуҳрат Зайнобиддинов. — Серфарзанд, кам таъминланган оилалардан учтасига корхона ҳисобидан қорамол совға қилдик, яна етти оилага шундай моддий ёрдам қилишни мўлжаллаяпмиз.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

### ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚ

**"Маҳалла" жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими, табиатни муҳофаза қилиш бўлими ва вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида қишлоқларда атроф-муҳит тозалигини таъминлаш ҳамда маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш мақсадида "Энг яхши қишлоқ маҳалласи" кўрик-танлови эълон қилинди.**

Кўрик-танлов вилоятдаги барча қишлоқ фуқаролари иштирокида, уч босқичда ўтказилади. Унда ҳар бир қишлоқ ободонлаштириш, аҳоли яшаш жойларида озодаликни таъминлаш, ариқларни тозалаш, мевали ва манзарали кўчатлар экиш, боғ ва гулзорлар яратиш каби намунали иш фаолиятлари билан иштирок этади.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

### «МУРУВВАТ УЙИ»ГА МАДАД

**Жисмоний имкониятлари чекланган, ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос фазилатлардандир. Шу боис, бу юртда ҳеч бир инсон дўстга, икки оғиз ширин сўзга муштоқлик сезмайди.**

Хоразм вилоятидаги «Мурувват уйи»да яшаётган икки юздан зиёд ногирон болаларга «Маҳалла» жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими, ҳамкор ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар томонидан 32 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилиб, улар озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечаклар билан таъминланди.

Айни пайтда, муассаса биноси Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташаббуси билан янгидан таъмирланмоқда.

**Абдулла САФОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

**Азиз муштарий! Газетамизга обуна йил бўйи давом этади. У сизнинг доимий ҳамроҳингиз ва маслакдошингиздир.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ҚАРОРИ

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ УЛУШИНИ КЎПАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

< [1]

инвестиция лойиҳаларини молиялашга ўз молия маблағларини сарфлаш ва улардан самарали фойдаланиш, лойиҳаларнинг амалга ошириб борилишини доимий мониторинг қилиш, қўйилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

таваккалчилик, гаровлар ва таъминлашнинг бошқа турлари бозор қийматини пухта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, берилган кредитларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилишини таъминлайдиган ишончли механизмлардан кенг фойдаланиш;

инвестиция фаолиятини амалга ошираётган банклар бўлинмаларини профессионал тайёрланган юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, экспертиза қилиш ва амалга ошириш масалалари бўйича банк мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифатини тубдан яхшилаш.

**3.** 2015 йилнинг 1 январигача шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра тижорат банклари кредит портфели таркибида 1-иловага мувофиқ узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғи тўлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

**4.** Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар — йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиш тавсия этилсин.

**5.** Инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан кредитларни қайта молияловчи тижорат банклари бошқаруви раислари зиммасига лойиҳалар ва қарз олувчи корхоналарнинг молиявий аҳволидан қатъи назар маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, уларни ажратилган фоизларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига ўз вақтида қайтариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан тижорат банклари мақсадга номувофиқ фойдаланган ҳолатлар аниқланган тақдирда мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аниқланган барча пул миқдори жарима санкциялари қўлланган ҳолда муддатидан аввал тўланади.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон банклари уюшмаси ва тижорат банкларининг, банкларнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш учун тижорат банклари томонидан 2-иловага мувофиқ 2009-2010 йилларда юридик шахслар ўртасида камида 110 млрд. сўм ҳажмда жойлаштириладиган узоқ муддатли облигациялар чиқариш борасидаги таклифи қабул қилинсин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захиралари нормаларининг табақалаштирилган ставкаларини қуйидаги жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ этсин:

муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича — умумжорий этилган нормаларнинг 80% миқдорида;

муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича — умумжорий этилган нормаларнинг 70% миқдорида.

**8.** Қуйидагилар:

тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;

тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинадиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

**9.** Тижорат банклари томонидан, жумладан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сотишда муваффақиятли иш тажрибасига эга бошқа инвесторлар иштирокида янги ташкил этилган корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Р-4010-сон фармойишининг 2-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этилсин.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги Р-3075-сон фармойиши билан тузилган Тижорат банклари раҳбарлари ва инвестиция фаолияти масалалари бўйича масъул бўлим бошлиқларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (Р.С.Азимов) мунтазам равишда, ҳар икки йилда бир марта тижорат банклари бошқаруви раислари ўринбосарларини ва банкларнинг инвестиция фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилмалари раҳбарларини аттестациядан ўтказишни таъминласин (хорижий капитал иштирокидаги банклар ва хусусий банклар бундан мустасно).

Тижорат банклари раҳбарлари:

икки ой муддатда инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи, молияловчи ва амалга оширилишини мониторинг қилувчи банкларнинг таркибий бўлинмаларини самарали иш олиб бориш учун зарур компьютер техникаси ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўрсин;

инвестиция фаолияти масалалари учун жавобгар банк бўлинмаларини юқори малакали мутахассислар билан мустаҳкамлаш ишларини доимий равишда олиб борсин;

инвестиция фаолияти масалалари билан шуғулланувчи банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича минтақаларда доимий фаолият кўрсатувчи курслар ва амалий семинарлар ташкил этсин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**12.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2009 йил 28 июль*

**Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан**

# Қўшалоқ байрам шукуҳи

< [1]

— Маҳалламизда ўн бир миллатга мансуб 4400 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Шалола» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мажид Қодиров. — Уларнинг барчаси маҳалла ишида фаол. Айниқса, Тошкентнинг 2200 йиллик шодиёналарини муносиб кутиб олишга маҳалламиз аҳли ҳамжиҳат бўлиб, қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ҳомийлар томонидан ажратилган 130 миллион 200 минг сўмга маънавият маркази қурилиб, маҳалла идораси, мажлислар зали тўлиқ таъмирдан чиқарилди ҳамда жиҳозланди. Шунингдек, 1 миллион 600 минг сўмлик компьютер жамламаси совға қилинди. Маънавият марказидаги иккита бўш хонада яқин келажакда йигит-қизларимиз касб-ҳунар ўрганишлари учун тўгарак очишни режалаштирганмиз. Маҳалла ҳудудига 35 мингдан зиёд гул кўчатлари, 150 туп мевали, 400 туп манзарали ҳамда 270 туп арча дарахтлари экилди.

Мажид ака билан суҳбатимиз чоғида бир неча киши ўз муаммолари билан раис қабулига кириб чиқди. Уларнинг юз ифодасидан миннатдор бўлишганини сезиш қийин эмасди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла идораси аҳолининг муаммоларини ҳал этадиган қадрдон масканга айланганига гувоҳ бўлдик.

— Маҳалламиздаги спорт майдончаси бугун болаларнинг севимли жойига айланган, — дейди хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Марғуба Муҳамедова. — Уни қуриш учун аввал 100 квадрат метр бўш жой топдик. Кейин у ерга Даниядан келтирилган чим экдик. Чим ва гулларни суғориш янги технология — компьютер ёрдамида амалга оширилади. Эндиликда бу ерда болалар спортнинг футбол, енгил атлетика турлари билан шуғулланишмоқда.

Бу каби тадбирлар пойтахтимизнинг бошқа кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Қодиров ҳамда масъул котиб Ё.Носиров ташаббуси билан «Тошсувсоз» ҳамкорлигида маҳалладаги эскирган сув қувурлари янгиланиб, ҳар бир хонадонга сув ўлчагичлар ўрнатилди. Шунингдек, ҳомийлар ёрдамида ўтган йили 70 та, жорий йили эса 50 та симёғочлар янгиланди. Айни пайтда 14 та кўчага 40 квадрат метр асфальт ётқизиш ишлари олиб борилмоқда.



Бир сўз билан айтганда, бугун мамлакатимиз аҳли қўшалоқ шодиёнага — юртимиз истиқлолининг 18 йиллиги ва пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Зеро, тинч, осойишта ва фаровон юртга байрамлар ярашади.

**Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

# ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН МАРҒИЛОН




**Қўҳна ва навқирон Марғилон — ҳунарманд ва ишбилармонлар шаҳри. Бу эса шаҳарнинг янада кўркам, обод бўлишига, улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишда ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.**

Айни кунларда Марғилон шаҳар маҳаллалари жамоли янада кўркам қиёфа касб этмоқда. Туягум, Ёйилма, Янги боғ, Гўраввал, Надирмат, Аҳмад Яссавий, Йўрмадўз каби маҳаллаларда қад ростлаган замонавий гузарлар, маиший ва савдо иншоотлари аҳоли турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилиб келаётир.

**СУРАТДА:** *шаҳардаги "Ёшлик" сув спорти мактаби биноси кўриниши.*

**Муқимжон ҚОДИРОВ**
***(ЎзА)* олган сурат.**

# НАКУРТДА ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ

**«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Пайариқ туманида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, жорий йилда туманнинг тоғли ҳудудида жойлашган Накурт қишлоғида 37-умумтаълим мактабининг замонавий типдаги биноси қад ростлади. Яқинда мактаб учун қуёш батареялари ўрнатилди.

Узоқ қишлоқларни электр токи билан таъминлашга мўлжалланган ушбу қуёш батареяси соатига 2,5 кВт. ток етказиб бериш қувватига эга. Қурилмани ўрнатишда хорижлик муҳандислар ёрдамидан фойдаланилди. Эътиборлиси, қуёш батареялари Накурт қишлоғи аҳолисининг турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилмоқда.

Қуёш батареясининг афзалликларини кўрган тадбиркор Ҳусниддин Кўбаев банкдан 18 миллион кредит олиб, шундай ускуна харид қилди. Натижада электр қувватидан фойдаланиб, ер остидан сув чиқариб, қишлоқ аҳлини сув билан таъминлади. Ҳозирда Ҳ.Кўбаев икки ярим гектар лалми ерни ўзлаштириб, полиз, сабзавот экинлари экишга киришган.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

**Оқсоқолнинг бир куни**

# Ҳаловатни бегона билиб

**Жўра Ибрагимовга ҳар куни тонгсаҳардан туриш одатга айланган. Бугун ҳам у эрта туриб, ҳовлини бирров кўздан кечирди. Ҳовлисидаги саранжом-саришталикдан кўнгли жойига тушди, нонушта тайёрлаётган аёлига: «Бугун иш кўп, чойингни қўятур», деди-да кўчага отланди.**

Кўчада сокинлик. Ҳали кўпчилик уйқуда. У ўзи туғилиб ўсган, эллик икки йилдан буён умргузаронлик қилаётган Дўрмон қишлоғининг марказий кўчасидан ишхонаси — қишлоқ фуқаролар йиғини идораси томон қадам ташлаб борар экан, бугунги қиладиган ишларини хаёлида режалаштирарди.

Йўл четига экилган гуллар, манзарали ўт-ўланлар бироз сўлғин, чанқаган, шекилли. У қўл телефони орқали тегишли кишини топиб, топшириқ берди: «Катта йўл четидаги гуллар сувсирабди. Тезда машинада сув келтириб бўлсада, суғоринглар!»

— Ишни яхши ташкил этаётган оқсоқоллардан биронтаси ҳақида газетага мақола ёзмоқчи эдим, — дейишим билан Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Қибрай туман бўлинмаси бошқарувининг раиси Раҳматулла ака Толипов жонланди:

— Тажрибали, ёши улуғ, уддабурон раисларимиз кўп. Бироқ менимча, Дўрмоннинг оқсоқоли ҳақида ёзганингиз маъқул. Ғайратли, аҳолининг ўзи бир овоздан уни яқинда қишлоқ фуқаролар йиғинига раис қилиб сайлади. Олий маълумотга эга эмас, аммо жонкуяр, фидойи, иши пухта, муҳими, доимо одамлар билан бирга, ҳамма унинг айтганига қулоқ тутади.

Бу таклиф менга маъқул бўлди. Дўрмонга йўл олдик.

«Нега ўқимагансиз?» Дабдурустдан берган бу саволимга Жўра Ибрагимов мийиғида жилмайиб жавоб берди:

— Тошкент политехника институтида 3-курсгача ўқиганман. Ота-онам оддий колхозчи бўлишган. Серфарзанд оила эдик. Тўрт қизу, тўрт ўғилнинг учинчисиман. Шофёр бўлиб ишга кирдим. Кейин ишга берилиб кетдим. Буёқда катта рўзғорнинг ташвишлари. Ўқиш қолиб кетди.

— Ота-онангиз...?

— Ҳозир ойим ҳаётлар. Саксон ёшга кирди. Илоё, умрлари узоқ бўлсин!

2006 йили маҳалладошлари катта ишонч билдиришиб Жўра Ибрагимовни Дўрмон маҳалласига оқсоқол этиб сайлашди. У одамларнинг кўнглини топди. Маҳалла анча обод бўлиб қолди. Эски колхоз идорасини таъмирлаб, ФҲДЁ бўлими ва нотариал идорани кўчириб келишди. Эски Маданият уйини тўлиқ қайта реконструкция қилиб, Ёшлар уйига айлантиришди.

А.Матқобулов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғини раиси сифатида фаолият юритаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Фуқаролар йиғини таркибига еттита маҳалла киради. 16 минг 400 нафар аҳоли яшайдиган йиғин ҳудудида «Қибрай» санаторийси, Ёзувчиларнинг, Киночиларнинг дам олиш уйлари жойлашган.

— Жўра Ибрагимов инсонни қадрлайдиган, меҳнаткаш, самимий йигит. У барчага бирдай муомала қилади, — дейди қишлоқ кайвониларидан бири Аҳмад ака Муродов. — Унинг ташаббуси, етакчилигида кўп хайрли ишлар амалга ошяпти.

Қишлоқда раиснинг ўрни, обрўйи бор. У биронбир ишга киришмоқчи бўлса, албатта, кайвонилар, кўпни кўрган оқсоқоллар билан маслаҳатлашади. Аҳолининг таклиф-мулоҳазалари, фикрларини ҳисобга олади.

— Бир ўзимнинг қўлимдан ҳеч иш келмайди, — дейди йиғин раиси. — Аҳил, ҳамжиҳат бўлсак, ҳар қандай катта, қийин юмушларни ҳам, албатта, уддалаймиз.

— Ишингизда муаммолар, қийинчиликлар ҳам борми?

— Муаммо қаерда йўқ? Аммо биз ҳамма масалаларни ўзимиз ечишга, ўзимиз ҳал қилишга ўрганганмиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, ободлик тарафдори.

Раиснинг айтган гапларидан кўнглим тўлди. Аммо суҳбат чоғида унинг қаергадир шошаётганини ҳис қилиб турдим.

— «Бирлик» маҳалласида фермерлар билан учрашувим бор, — изоҳ беради у бироз хижолат чекиб. — Фермерлардан маҳаллани ободонлаштиришда ёрдам сўрамоқчиман. Кейин туман марказига ўтишим керак. Ҳоким чақирган.

Жўра Ибрагимов билан хайрлашарканман, у қўл телефонининг рақамини берди.

— Ўтган-қайтганда кириб туринг. Дўрмон баҳаво жой, дам олгани келинг, — дейди самимий.

Қибрайдан хуш кайфиятда қайтдим. Негаки, яхши ташвишлар, эл-юртнинг ғами билан елиб-югуриб юрган одамлар билан танишдим, суҳбатлашдим. Айниқса, Дўрмоннинг куюнчак, ғайратли оқсоқоли Жўра Ибрагимов менда илиқ таассурот қолдирди. Оқсоқолга чин дилдан омад ва муваффақият тилайдим.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

**«Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги**

# Инсонлар қалбига йўл топиш

## маҳалла посбонининг энг муҳим фазилати

Истиқлол йилларида фуқаролар йиғинида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ташкил этилди. Бугунги кунда маҳалла ҳудудида жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашга доир вазифаларни амалга ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштиришда маҳалла посбонлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Чилонзор туманидаги «3-Чарх Камолон» маҳалласида ҳам "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаси аъзоларининг саъй-ҳаракати туфайли кейинги йилларда жиноятчилик кескин камайди. Бугунги кунда маҳаллада 15 дан ортиқ миллат вакиллари тинч-тотувликда истиқомат қилиб, юрт равнақига ўз ҳиссаларини қўшиб келишаётир.

— Маҳалламизда 1850 га яқин оила истиқомат қилади, — дейди «3-Чарх Камолон» маҳалласи посбонлари сардори Шукур Мирсобитов. — Биз ҳар бир оиладаги муҳит, вазиятдан хабардор бўлишимиз, муаммоларни ўрганишимиз керак. Чунки жиноятчилик бир кунда пайдо бўладиган иллат эмас, балки оила ва маҳаллада узоқ давом этган бефарқлик оқибатида юзага келади. Шу сабабли биз ҳар бир хонадон билан яқиндан алоқа ўрнатишга уриняпмиз. Жиноят қилишга мойиллиги бор фуқароларни аниқлаб, улар билан суҳбатлар уюштириб, юзага келиш эҳтимоли бўлган муаммоларни бартараф этиб боряпмиз. Баъзан ичкиликка ружу қўйган эрнинг қилғиликлари туфайли жанжал рўй берган хонадонларга ҳам ташриф буюрамиз. Уларга ичкилик ва доимий нотинчлик оилада тарбия топаётган болалар онгига салбий таъсир кўрсатишини, оқибатда ёшлар жиноят оламига кириб кетиши мумкинлигини тушунтирамиз. Гоҳида участка инспектори билан биргаликда кескин чоралар кўришимизга ҳам тўғри келади. 8 йиллик тажрибамдан биламанки, инсонлар қалбига йўл топа олиш — маҳалла посбонининг энг муҳим фазилати. Маҳалламизда ичкиликка муккасидан кетган бир йигит бор эди. Ҳатто ичкилик оқибатида жиноятга қўл уриб, қамалиб чиқди. Ундан хабар олиб турдик, ёлғизлатиб қўймадик. Йигитга ҳунар ўрганиш кераклигини тушунтирдик. Шундан сўнг у одамларнинг уйларини таъмирлаб, меҳнати орқали ҳалол даромад топа бошлади. Шу йўл билан оиласининг аҳволини ҳам яхшилаб олди.

«3-Чарх Камолон» маҳалласида вояга етмаганлар доим маҳалла посбонларининг назоратида. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида улар турли спорт тўгаракларига жалб этиляпти. Хусусан, ҳудуддаги 5-маданият уйида ташкил этилган шахмат-шашка ва мусиқа тўгаракларида улар фаол иштирок этишмоқда.

Шунингдек, фуқаролар йиғинининг мажлислар залида мутахассислар иштирокида ОИТС ва бошқа юқумли касалликлар ҳамда диний ақидапарастликнинг олдини олишга доир тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади. Эътиборлиси, бу йиғилишларга муқаддам судланганлар ҳам таклиф этилади. Маҳалла посбонлари ва фаолларининг олиб борган тушунтириш ишлари натижасида ноқонуний диний оқимларга кириб қолган айрим фуқаролар бу йўл нотўғрилигини англаб етишди.



— Ўтган йили Ички ишлар вазирлиги ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ҳамкорлигида қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарор жиноятчиликнинг олдини олишда, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини изчил йўлга қўйишда катта ёрдам бермоқда, — дейди маҳалла профилактика инспектори Илҳом Худоев. — Зеро, маҳалла посбони аҳоли муаммоларидан яхши хабардор бўлади. Шу сабабли, жиноятни аниқлаш ва унинг олдини олишда посбонларнинг ёрдамига суянамиз.

Маҳаллада ноқонуний истиқомат қилаётган, узоқ муддат уйига келмаётган ҳамда қонунда белгиланган бошқа меъёрларни бузаётган шахсларга тегишли чоралар кўриляпти. Шунингдек, маҳалла посбони оқсоқол билан биргаликда ишсиз юрган фуқароларни рўйхатга олиб, уларни иш билан таъминлашда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда. Маҳалла йигитларининг ҳарбий хизматга боришини ва кўрикдан ўтишини таъминлашда, ҳудуддаги ободонлаштириш ишларида ҳам посбонлар четда туришмайди.

Хуллас, бугунги кунда «3-Чарх Камолон» маҳалласи посбонлари томонидан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ва амалий тадбирлар натижасида ҳудудда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олди олинмоқда.

**Шуҳрат ЧОРШАНБИЕВ,**
**«Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими мутахассиси.**

